

«Камка/Ладе Къзарчен ОАБ» МУК  
Kamka/Lade Kyzarchen OAB

Webshop

24awma

MADBURY NUSXA

Cntropa HOPLNEBA

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5Ў) 7

Ч-77

— ўзб. адаб

**Ситора Чориева, «Чашма», шеърлар. Қарши  
«Қашқадарё кўзгуси ОАВ», 2013, 32 бет.**

Юрт мадҳини куйламоқлик улуғ саодат-  
дир. Ёш қаламкаш Ситора Чориеванинг шеъ-  
рларида она диёр жамолига маҳлиёлик, юр-  
тга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат маҳорат  
 билан қаламга олинган. Ситоранинг гўзал  
 ташбеҳларида қадрдан қишлоғи манзарала-  
 рига шайдолик яққол сезилиб туради. Китоб-  
 ни ўқиб, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

ISBN: 978-9943-4244-0-1

© Чориева С. 2013 йил.

© «Қашқадарё кўзгуси ОАВ» МЧЖ. 2013 йил.

2014/6	Alisher Naveiy nomidagi O'zbekiston MK
A 100	

## МЕХР ЧАШМАСИ

Ситора ҳали жуда ёш. Эндиғина 15 ёшни қоралади. Юрт мадхини куйлаш, ота-онани шарафлаш унинг эзгу нияти. У аъло баҳоларга ўқиш билан бирга бадиий ижод билан ҳам мунтазам шуғулланиб келади. Ёзганлари самимий ва содда.

Ассаломдан бошланар тонги,  
Сўзла мафтун этган дунёни.  
Муножатин сирли оҳангি,  
Куйлатади ер-у самони.

...Қадр-қиммат, таянчим ўзинг,  
Ифтихорим, суюнчим ўзинг.  
Сен борсан созим овозим янгроқ,  
Жаннатмакон Ўзбекистоним

деб ёзади у ўзининг «Юрт мадҳи» номли шеърида. Бундай самимий сатрлар талайгина. 2013 йил Юртбошимизнинг ташабbusлари билан «Обод турмуш йили» деб номланди. Турмушимизни янада ободонлаштириш - ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиэдир. Айниқса, ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш - бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Шу маънода Ситорага бадиий ижодда ҳам омадлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

**Исмоил ТЎХТАМИШЕВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Қашқадарё вилоят бўлими масъул котиби.**

### ЮРТИМ МАДХИ

Ассаломдан бошланар тонги,  
Сўзла мафтун этган дунёни.  
Муножотин сирли оҳанги,  
Куйлатади ер-у самони.

Виктория шаршарасидан,  
Сувтушаринг афзалроқ менга.  
Пиза, Эйфел минорасидан,  
Калтаминонр баландроқ менга.

Ҳиндистоннинг чапатиси ҳеч,  
Самарқанд нон каби татимас.  
Тарихи бой, қадим юртим Кеш,  
Бобил болгаридан сира кам эмас.

Ватаним деб интилган ёшлар,  
Узбекистон келажагингдир.  
Истиқлонинг қуёшдек мангу,  
Юртим узра сочаверсин нур.

Қадр-қимматим, таянчим ўзинг,  
Ифтихорим, гуурим ўзинг.  
Сен борсан, созим, овозим янгрок,  
Жаннатмакон Ўзбекистоним!

## ВАТАН ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Юртни куйлаганлар кўпдир дунёда,  
Бири бошқасини қайтармас асло.  
Кимдир уни айтар тенг деб онага,  
Ватан она каби муқаддас маъво.

Бобурдек куйласанг агар Ватанини,  
Унингдек ёнгин-у, қул бўл ишиқида.  
Навоийдек куйла куйлолсанг агар,  
Тўрт ёшдан тоблангин шеърнинг машқида.

Темур бўлиб юртни қўриқла ўғлон,  
Юртга садоқатинг исботла шундан.  
Широқ бўл-у, уйга қайт эсон-омон,  
Фидоий бўлишида ўзиб кет ундан.

Тўмарисдек жасур малика бўлгин,  
Ҳатто Кирвоншохлар қул бўлсин сенга.  
Нажмиддин Кубродек донишманд бўлгин,  
Ҳатто фаришталар чўксин пойингга.

*Юртинг осмонида порла, чарақлаб,  
Сени кўриб “ана, Чўлпон”, десинлар.  
Дўкчи Эшон ила кетган шаҳидлар,  
Номини оқловчи ўғлон десинлар.*

*Улугбекдек кўкка тикиб кўзингни,  
Минг юлдуз ҳақида китоб ёзгин сен.  
Синога айлан-у, табиб аҳлига,  
Ўзбек деган юртдан хитоб ёзгин сен.*

*Курашгин, ўқигин, ёзгин, куйлагин,  
Токи Ўзбеклигинг дунё олсин тан.  
Ватанинг номини кўкларга кўтар,  
Куёш чиқди, десин Ўзбекистондан.*

## ҚАДРДОН ҚИШЛОҚ

Қишлоқда бўлганмисиз,  
Тон-тоза-ю саришта.  
Ҳавоси соғ мусаффо-  
Гўё бордек фаришта.

Қишлоқнинг одамлари,  
Хўп меҳнаткаси-меҳрибон.  
Шунинг учун йўл равон,  
Маҳаллалар фаровон.

Ёшлари интилувчан,  
Кўп билимдан қишлоқнинг.  
Кексалари донишманд,  
Ҳам меҳрибон қишлоқнинг.

Қизлари-чи иболи,  
Ҳар бир сўзи маъноли,  
Салом берса жилмайиб,  
Кўринади ҳаёли.

Йигитлари бироз шўх,  
Гўё ёниб турган чўғ.  
Ҳатто рақибига ҳам,  
Кўнглида адоват йўқ.

Шаҳарлик одамлардан,  
Узр сўраб қўяман.  
Шаҳар ёмон эмас, лек  
Қишлоқ менга қадрдон.

## УЗРНОМА

Йўлимга термулиб қолгандинг зор-зор,  
Менга дардларингни қилгандинг изҳор,  
Мен сени қадрингга етмадим зинҳор,  
Олдингда қарздорман узр, қишилогим.

Энг аввал буюклик ҳақда ўйладим,  
Кейин уни шеърга солмоқ истадим,  
“Ватан, Ватан”, дега ёниб куйладим,  
Ватаним ўзинг асли азиз, қишилогим.

Ҳамон қайнамоқда қора қумғонинг,  
Мехнатдан қочмайди бободекқонинг,  
Шаҳарга бўйлашибди, бўйинг, уйларинг,  
Кўркамлик муборак, кўркли қишилогим.

Кўрдим юртимнинг машҳур жойларин,  
Амударёларга оққан сойларин,  
Ичдим қониб Тошкент чойларин,  
Ризқим тортиб келдим азиз қишилогим.

### **БАХОР МУБОРАК**

*Чалинар қулоққа қалдирғоч саси,  
Қырларни қоплайди гулнинг сараси.  
Үйлардан янграйди куйлар садоси,  
Баҳорнинг нафаси муборак, ўлкам!*

*Кұчалар ободу ям-яшил бөглар,  
Лолақизғалдоққа бурканар тоғлар,  
Дараҳтлар очади күртак, япроқлар,  
Баҳорнинг нафаси муборак, ўлкам!*

*Баҳор байрамига куйлар ярашар,  
Наврӯз каби гўзал тўйлар ярашар,  
Сумалак рангидан кўзлар қамашар.  
Баҳорнинг нафаси муборак, ўлкам!*

*Сочида сочпопук тақар қизлари,  
Юрган йўлларида гулнинг излари,  
Саҳардан нон ёпар ширмой юзлари,  
Баҳорнинг нафаси муборак, ўлкам!*

## БАҲОРГИНАМ

Она - рассом қўлларида мўйқалами қимирлагай,  
Дала қизи қизғалдоқлар шўх -оҳиста қиқирлагай,  
Шамол нозик ёр манзилин сўраб аста шивирлагай,  
Шу он майса жажжи бошин эгиб секин қимирлагай,  
Кўлмакдаги гарид сувда ҳаёт нури жимирилагай,  
Сен ўшасан - соғинганим, излаганим баҳоргинам.

## БАҲОР ДАРАКЧИЛАРИ

Тез-тез учратамиз капалакларни,  
Куёш ҳузурида камалакларни,  
Қизлар тақиб олар жамалакларни,  
Буларнинг барчаси баҳордан дарак.

Баъзан осмон қовогин уйшиши ҳам бор,  
Баъзида ёмғирнинг қуийши ҳам бор,  
Баъзида дўл ёғиб қўйшиши ҳам бор,  
Буларнинг барчаси баҳордан дарак.

## ЁЗНИНГ ЎРНИ

Бугдој пояларин, сомон пахоли,  
Дараҳт япроги-ю унинг ниҳоли,  
Қизу жувонларнинг зулфи ҳилоли,  
Ҳамма-ҳаммасида ёзнинг ўрни бор.

Сойлар сувларининг шилдирашида,  
Деҳқон терларининг ялтирашида,  
Тунда юлдузларнинг милтирашида,  
Ҳамма-ҳаммасида ёзнинг ўрни бор.

Олма-ю анжирлар түкилар ёзда,  
Дараҳтлар сояси мадордир элга,  
Бунда она замин зор ёмғир-селга,  
Ҳамма-ҳаммасида ёзнинг ўрни бор.

Анҳорга чопади болалар,  
Бош эгар тогдаги лолалар,  
Иссиқдан ҳансирар далалар,  
Барча-барчасида ёзнинг ўрни бор.

## БАҲОРИМНИНГ БАҲОСИ

Баҳоргинам, бунча гўзал бебаҳосан,  
Қалдириючни чорлай олган бир даҳосан.  
Излаганда топилмаган сен анқосан,  
Кийган атлас кўйлагингда гул тераими,  
Баҳоргинам баҳойингни мен берайми?

Аразлабон қуёшингни яширсанг гар,  
Булут ўғлинг жаҳл билан хўп бақирап,  
Худди шу он ғазаб нури бир ялтирап,  
Кўз ёшларинг дарё бўлган кун кулайми,  
Баҳоргинам, баҳойингни мен берайми?

Чигиртқанинг қўшиғидан яшнар дилим,  
Кўкда қалбинг парчалари тилим-тилим.  
Афсус кўкка сира менинг тушимас йўлим,  
Айтгин ерда лолаларинг аллалайми,  
Баҳоргинам, баҳойингни мен берайми?

Бир дарахтинг гуллабдику оппоқ, қийғос,  
Яна бири кийиб олган яшил либос.  
Билсанг улар сенинг ўзинг, ўзинг холос,  
Наврўз куни сенинг учун ҳам куйлайми,  
Баҳоргинам, баҳойингни мен берайми?

## ХАЁЛИЙ КУЗ

Япроқларин охиста пойингга түкиб,  
Хаётнинг томидан куйламоқда куз.  
Ҳар ёмғир томчиси кипригинг ўпіб,  
Йиғлаган чогида унга бурма юз.

Турнани айни чөф күргинг келса гар,  
Хаёлинг бузмагин, қарғадан күз уз.  
Атиргул рангини соғынсанг агар,  
Ялтираб товланган хазондан күз уз.

Үйлама, эй шигит, хаёлға чүмиб,  
Шундай гүзалликнинг згаси бу куз.  
Қалбингни оғритиб, гавғога күмиб,  
Қаршынгда турған бу - бетакрор, ҳур қиз.

### АЁЛГА ТАЪЗИМ

Жаннатни босади юрган йўлида,  
Дунёни тебратар битта қўлида,  
Чечаклар очилар ўнгу сўлида,  
Оила бекаси аёлга таъзим.

Умри давомида бир порлаб ўчар,  
Йўлдан адашсак гоҳ меҳрибон қучар,  
Шодлигида гўё қуш каби учар,  
Дунёнинг бекаси аёлга таъзим.

Эрта-кеч тинмайди меҳнатда қўли,  
Ойсиз тунларда ҳам чароғон йўли,  
Куёшу юлдузлар, ёмғиру дўли,  
Қиласи ҳамиша аёлга таъзим.

### ОНАЛАР МАДХИ

Оламни яратгувчи ҳам асли Она,  
Дунёни танитгувчи ҳам асли Она,  
Ғам-ғуссага ботсак, чексак надомат,  
Эркалаб, юпатгувчи ҳам асли Она.

\* \* \*

Оналар бор фарзанд учун жонин фидо айлаган,  
Оналар бор юрт юкини елкасига юклаган,  
Она меҳри гўё бизчун кўкда порлоқ юлдузdir,  
Бу юлдузниң нурларидан ҳатто тун ҳам кундузdir.

\* \* \*

Менинг меҳрибоним, мўътабар онам,  
Дунёда ўзингиз азиз ягонам.  
Ўзлигимни ўзингизда кураяпман,  
Қалби поким, табарргум, ҳамдардим, онам.

### БАҲОРГА ҲАСРАТЛАР

Мужассамсан бугун булбул сўзида,  
Борсан бу заминнинг ер-у кўкида,  
Жаъжжи болажоннинг порлоқ кўзида,  
Борсан ҳар полвоннинг нурли кўксида,  
Баҳор, нечун ўйқсан бобом юзида?

Қозонда қайнаган сумалакдасан,  
Шодон пирпираган капалакдасан,  
Ёмғирдан сўнг чиққан камалакдасан,  
Ой юзли, кокил соч, жур малакдасан,  
Баҳор, нечун ўйқсан момом юзида?

201

A

Alisher Naveiy

nomidagi

O'zbekiston MK

## ЗАРРА

Асли мен бир уммоннинг  
Бир томчи парчасиман.  
Уммонимдан қочсам гар,  
Айрилгум барчасидан.

Шўхлик қилиб уммоннинг,  
Юзасига чиқсам гар.  
Офтоб мен заррачани,  
Бир зумда шимиб кетар.

Мен барибир қайтаман,  
Жонажон уммон сенга.  
Фақат ушибу оламни,  
Тарк этарман “бир кунга”.

## НАФС

Оллоҳдан кимлардир сұрашар умр,  
Оллоҳдан кимлардир сұрашар қадр.  
Лекин ҳеч күрмадим фоний дунёда,  
Оллоҳдан инсонга сұраган сабр.

Оллоҳдан сұрашар:- “Фарзанд бер” дея.  
Оллоҳдан сұрашар:- “Давлат бер” дея.  
Лекин ҳеч инсонлар сұрамас ағсус,  
“Эй, Оллоҳ, менга ҳам ақл бер” дея.

Оллоҳдан сұраши ҳатта омадни,  
Күрдим севги, ҳатто зулф сұраганни.  
Аммо ҳеч күрмадим фоний дунёда,  
Нафснинг эшигига қулф сұраганни.

### ГҮЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ

Чехрангиздан нурлар ёғмай қолмасин,  
Фарзандингиз меҳрга зор бўлмасин,  
Кўзларингиз чақноқликдан толмасин,  
Ҳалол меҳнат қилиб, ҳеч ҳормангиз,  
Эй, гўзалик шайдолари, аёллар!

Гапирганда бол томади тилингиздан,  
Гуллар унар сизнинг юрган изингиздан,  
Кулиб боқинг, меҳр ёғар кўзингиздан,  
Дунёда ўйқ аъло инсон ўзингиздан,  
Эй, гўзалик шайдолари, аёллар!

Лайло бўлиб Мажнунини зор этган,  
Зухро бўлиб Тоҳирини хор этган,  
Раъно бўлиб Хонларни афгор этган,  
Отабекка дунёларни тар этган,  
Эй, гўзалик шайдолари, аёллар!

## БОБОМНИНГ БОҒИ

Эрта тонг шамолида силкинган бодом гули.  
Хаёлимни етаклар болалик чоғларимга.  
Кўз олдимга келади қишилоқнинг тупроқ ўули,  
Шўх ўйноклаб борардим бобомнинг боғларига.

Ёнимда ўртоқларим бобомларга парвона,  
Чугурлаймиз бирма-бир: - “Эртак айтасиз қачон?”.  
Бобом дараҳтларига дард айтар ёна-ёна:  
“Бу меваларни кўра олсайдим бир йил яна”.

Англамаган эканман ушанда бобом дардин,  
Айши дам ўша қунни эслатмоқда ҳар бир жой.  
Энди ҳис қиласмоқдаман бобожонимнинг қадрин,  
Бўлсин дейман бобожон жойингиз жаннатдан.

### ҲАМРОХ

Қоронғу түн,  
Ёлғизман бу күн.  
Күкдаги шүлдошиим Ой -  
У ҳам таңхо.  
Самодан таралар,  
Оlamга бир ун.  
Ой ҳам ёлғизликдан,  
Йиғларди гүё.  
Нафис ой йиғлама,  
Ахир сен күкдасан,  
Ва ягонасан.  
Билмасдан дардим,  
Бағрим тиелама,  
Ердаги олчоқларга,  
Сен бегонасан.

## КИТОБ НОЛАСИ

Танишайлик кел ўртоқ.  
Мен сенинг дўстинг китоб.  
Асосим ёзув, қоғоз,  
Маъносини ўқиб, топ.

Ўртоқ бўлсанг сен менга,  
Сирларимни очаман.  
Илм-маърифат ила,  
Қалбга ёғду сочаман.

Мени ифлос қилмагин,  
Варақларим авайла,  
Эгнимга кийдир пўстин,  
Шунда бўламан дўстинг.

### ҚИШ ЗАВҚИ

Қиши келғанда дағалар,  
Оқ чойшабға ўралар.  
Иссик кийиниб олиб,  
Қор отади болалар.

Яқын жүра, ўртөқлар,  
Чана тортар визиллаб,  
Текис, равон йұлларни,  
Қиши мұзлатар изиллаб.

Салом, қиши, дер болалар,  
Сада берар дағалар,  
Қиши завқидан хо-холаб,  
Қор курайди холалар.

**МАДАЛ**

*Йиглама, эй фалак,  
Эй, ночор само.  
Күёш юз үгирса,  
Үгирибди-да.  
Ахир сен томонда,  
Мен борман ҳамон.*

## ТҮРТЛИКЛАР

Умринг бүйи хаёл расмин чизмоқлик бу - шеърият,  
Қисқа ҳаёт занжирини чұзмоқлик бу - шеърият.  
Хаёл суриб турғанингда ҳаёт нури сұнса гар,  
Мамнун бўлиб дунёда байт тузмоқлик бу - шеърият.

\* \* \*

Капалагим чиройингни күз-күз қилиб,  
Фазоларга парвоз қилма бунча узоқ.  
Бу бетакрор чиройингга мафтун бўлиб,  
Ўргимчаклар қўйшилари мумкин тузоқ.

\* \* \*

Болаликда ўйлардим,  
“Дунёда бир мен бўлсам”.  
Буни ҳамма ўйларкан,  
Ақлим етганда билсан.

\* \* \*

Само қучогидан узилган томчи,  
То ерга қўнгунча нола қиласмиш.  
Замин теграсига қадами етгач,  
Бечора томчининг дарди тинармиш.

\*\*\*

-Нега бошин ҳамиша  
Кўкка чўзаркан терак?  
-Ўзидан бошқани у  
Ҳеч ўйламаса керак.

\*\*\*

Бечора мажнунтолнинг  
Умри ўтади гирён.  
Кейин билсам ўйларкан  
Лайлисини у ҳар он.

\*\*\*

Қаҳратон совуқда ҳам  
Ям - яшил турар арча.  
Унинг матонатига  
Қойил қолади барча.

\*\*\*

Энг уятчан сабзавот  
Танлашган бир яхши от .  
Помидорда жамланган  
Куч -қувватга тўла том.

\*\*\*

Яшил дум олтин қозиқ,  
Күёнга яхши озик,  
Сабзи бүйни ўстирап  
Тезроқ е ахир вақт зик.

\*\*\*

Чашма каби шаффоффсан, зилол,  
Интиламан қонмоқчун сенга.  
Шеърим сендан бир утингичим бор,  
Бир умрлик ҳамроҳ бўл менга.

### **СЕВГИ БУ ...**

*Севги бу - бир оловдир  
Унинг сўнмоги бордир.  
Севсанг ёр талабига  
Сўзсиз кўнмоги бордир.*

*Севги бу - оппоқ қордир  
Эриб кетмоги бордир .  
Севсанг ёр талабига  
Сўзсиз кўнмоги бордир.*

*Севги бу умримиздир  
Унинг қаримоги бор.  
Севгига берма озор  
Унинг ҳам сўрги бор .*

*Севги бу бир ҳақиқат  
Унинг эгилмоги бор.  
Ҳиёнатга юз бурсанг  
Ёр кўнгли топар озор .*

*Севги - юрак ўйноги  
Севги- қалблар қийноги  
Севги - сўзлар сўргоги  
У бир топти азобдир.*

### ОНА ТИЛИМ

Онамнинг алласин баъзан эслайман  
Ором багишловчи алла сўзланар.  
Во ажаб, бу қандай мўъжиза дейман  
Хаёлим она тил томон юзланар.

Навоийнинг Фазалида янграган ўзинг,  
Мирзо Бобур ноласида йиғлаган ўзинг,  
Қодирий, Чулпон-у Авлонийларнинг  
Зоридан бағримни тиғлаган ўзинг.

Қачонки сен ҳақда сўйласам агар,  
Мақтоворим кам бўлса келмасми малол.  
Юртимнинг кўркисан она тил магар,  
Абадий яшайсан кўрмай ҳеч завол.

## **МУНДАРИЖА**

Мехр чашмаси.....	3
Юртим мадҳи.....	4
Ватан ҳақида ўйлар.....	5
Қадрдон қишлоқ.....	7
Уэрнома.....	9
Баҳор муборак.....	10
Баҳоргинам.....	11
Баҳор даракчилари.....	11
Ёзинг ўрни.....	12
Баҳоримнинг баҳоси.....	13
Хаёлий куз.....	14
Аёлга таъзим.....	15
Оналар мадҳи.....	16
Баҳорга ҳасратлар.....	17
Зарра.....	18
Нафс.....	19
Гўзаллик шайдолари.....	20
Бобомнинг боғи.....	21
Ҳамроҳ.....	22
Китоб ноласи.....	23
Қиш завқи.....	24
Мадад.....	25
Тўртликлар.....	26
Севги бу.....	29
Она тилим.....	30

1500 сур.

## АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР

Ситора ЧОРИЕВА

ЧАШМА

Шеърлар

Мұҳаррир: Фахриддин Бозоров  
Тех.мұҳаррир: Роҳила Юлдошева  
Мусаҳхих: Сожида Аллаёрова  
Саҳифаловчи: Зафар Махсатов

Теришга берилди 02.09.2013.  
Босишига 20.09.2013 йилда рұхсат этилди.  
Бичими 70x100<sup>1/32</sup>, "Times Uz" гарнитураси  
Офсет босма усулда босилди.  
Нашр табоги 0,57 Шартли босма табоги 1,29  
Адади: 250 нұсха  
Буюртма № 60/09. Эркин нархда.  
Шартнома №19. 30.09.2103 йил.

«Қашқадарё кўзгуси ОАВ» МЧЖ.  
Нашриёт лицензияси AI №244  
180118, Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-үй.

“Қаршиполиграф нашр” МЧЖ босмахонасида  
чол этилди, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик  
шоҳ кўчаси, 22-үй.